

## Оммавий оферта (шартнома)

Тошкент шаҳри

2024 йил 22 январь

«Kibernetikada innovatsiyalar IT-parki» МЧЖ номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи Директори Хамзин Альберт Алмазович (кейинги ўринларда – «Ижрочи» ёки «Оферент») томонидан, барча асосий ва муҳим шартларни ўз ичига олган, жавоб қайтарган ҳар қандай муомалага лаёқатли жисмоний шахслар доирасига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-модда, 369-модда 2-қисм ва 370-моддасига мувофиқ хизматлар кўрсатиш тўғрисида мазкур оммавий оферта (кейинги ўринларда – Шартнома)ни таклиф этади.

Мижоз томонидан ушбу Шартномада кўзда тутилган ҳаракатларнинг бажарилиши, унинг қуида келтирилган шартларга сўзсиз розилиги (акцепт)ни англатади. Оферта қабул қилинган вақтдан бошлаб Шартнома тузилган ҳисобланади.

Оферент ўз хоҳишига кўра, ўзаро мунобатларда фаолиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос равишда ташкил этиш ёхуд қонунчилик ҳужжатларидаги ўзгартишлар туфайли юзага келган вазиятларда ушбу Шартномага чекланмаган тарзда ўзгартишлар киритиш ҳуқуқига эга. Бунда киритилган ўзгартишлар, оммавий оферта сифатида Ижрочининг cyberscience.uz расмий сайтига жойлаштирилганидан уч кун ўтгач, Шартноманинг олдинги талқини ўз кучини йўқотиши билан кучга киради.

Шартномада тўғридан-тўғри кўрсатилмаган барча ҳолатларда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва иш муомаласи одатларига асосланиб ҳаракат қиласидилар.

### I. Шартномада фойдаланиладиган асосий тушунчалар

1.1. Мазкур Шартномада қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

- **«оммавий оферта» (таклиф)** – Ижрочи томонидан ҳақ эвазига ташкиллаштириладиган ва ўтказиладиган «Киберхавфсизлик асослари» (давомийлиги 48 соат, маърузалар, амалий-тренинглар, мунозалардан иборат) ўкув курсида ўқитиши - таълим хизматларини кўрсатиш бўйича йўланаётган таклиф;
- **«акцептант»** – Ижрочининг Шартнома тузиш ҳақидаги оммавий офертани қабул килувчи тараф (муомалага лаёқатли жисмоний шахслар ёки уларнинг қонуний вакили);
- **«акцепт»** – Ижрочи томонидан оммавий оферта юборилган шахснинг уни қабул килганлиги ҳақидаги жавоби, мазкур Шартномага асосан оммавий офертага мувофиқ кўрсатиладиган хизматлар учун ҳақ тўланиши акцепт бўлиб ҳисобланади;
- **«хизматлар ҳаки»** – Оферент томонидан «Киберхавфсизлик асослари» ўкув курсида ўқитиши - таълим хизматлари ҳаки ҳар бир иштирокчи (акцептант) учун **4 000 000 сўм** (КҚС билан) микдорида белгиланади ва Ижрочининг банкдаги ҳисоб-рақамига тўланиши оркали амалга оширилади;
- **«хизматлар кўрсатиш жойи ва муддати»** – оммавий офертага асосан кўрсатиладиган хизматлар жойи: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 20-й манзили бўйича, хизматлар кўрсатиш муддати эса ўкув гурухлар шакллантирилишига боғлик равишида келишилган кундаги муддатларда амалга оширилади, бу ҳақда акцептантга Ижрочи ёхуд у

№ 22.01.24

вакил килган шахс томонидан электрон алоқа, поча, телеграмм ёки телефон оркали қўшимча маълумот берилади;

• «маълумотлар алмашиш учун алоқа ва/ёки манзил» – 100000, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 20-уй; e-mail: info@cyberscience.uz; Телефон: +998(99)0288988

## II. Шартнома предмети

2.1. Ижрочи Шартномага мувофиқ оммавий офертага акцепт билдириган муомалага лаъқатли жисмоний шахслар ёки уларнинг қонуний вакили бўлган шахсларга хизматлар кўрсатиш жойи ва муддатида «Киберхавфсизлик асослари» ўкув курсида ўқитиш - таълим хизматларини кўрсатиш мажбуриятини олади.

2.2. Мазкур Шартнома акцептант томонидан хизматлар ҳаки тўланган вақтдан бошлаб кучга киради. Акцептант хизмат ҳаки тўлангандан сўнг куйидаги маълумотларни маълумотлар алмашиш учун алоқа ва/ёки манзил бўйича 5 кунлик муддатда тақдим этиши лозим:

Ф.И.Ш.	Алоқа учун электрон почта ёки телефон рақами	Хизмат ҳаки тўланган сана ва суммаси
--------	---	---

Мазкур маълумотлар акцептант томонидан тақдим этилмаганлиги оқибати хизматлар кўрсатилмаганлиги ёки хизматлар кўрсатиш жойи ва муддати ҳақида қўшимча маълумот берилмаганлиги ёхуд акцептант турли сабабларга кўра «Киберхавфсизлик асослари» ўкув курсида - таълим хизматларининг кўрсатилишида иштирок этмаганлиги учун Ижрочи жавобгар бўлмайди.

2.3. Шартнома акцептланган вақтдан бошлаб тўлиқ юридик кучга эга бўлиб, акцептант томонидан имзоланиши талаб этилмайди.

## III. Хуқук ва мажбуриятлар

3.1. Ижрочи ва акцептант Шартномада ҳамда амалдаги қонунчиликда оммавий офертага нисбатан белгиланган нормалар асосида хуқук ва мажбуриятларга эга бўладилар.

3.2. Томонларнинг ҳар бир ўз мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ харажатларни мустақил равишда қоплайдилар.

3.3. Ижрочи акцептант томонидан Шартноманинг 2.2.-бандида белгиланган мажбуриятлар ўз вактида бажарилгандан сўнг оммавий офертага асосан хизматлар кўрсатиш жойи ва муддати ҳақида камида 3 кун олдин маълумот бериш мажбуриятини олади.

3.4. Акцептант 1 (бир) ой ичида узрли сабабларсиз, ташкиллаштирилган «Киберхавфсизлик асослари» ўкув курсини ўтказиб юборган тақдирда, Ижрочи Шартномани бир томонлама бекор килиш хукукига эга.

3.5. «Киберхавфсизлик асослари» ўкув курси бўйича машгулотларда қатнашган ва ўкув курсини муваффакиятли тугатган тингловчиларга сертификат берилади.

3.6. Шартноманинг 3.4.бандида кўрсатилган ҳолатлар юз берса ёки тингловчилар ўкув машгулотларига сабабсиз қатнашмаса, шунингдек ўкув жараёни даврида муддатидан олдин кетиб қолган тақдирда у, тингловчилар сафидан четлаштирилади, сертификат берилмайди ҳамда ушбу Шартноманинг 1.1.-бандига асосан акцептант томонидан тўланган хизмат ҳаки қайтариб берилмайди.

#### **IV. Кафолатлар**

4.1. Ижрочи ва акцептант мазкур Шартнома тузилиши учун барча ваколатга эга эканликларини ва Шартнома томонларнинг ҳақиқий хошиш-иродаси асосида тузилганлигини, мазкур Шартнома тузилиши бошқа шахсларнинг қонуний хукуқ ва манфаатларига зарар етказмаслигини, шунингдек учинчи шахслар томонидан эътиrozлар билдирилган тақдирда ушбу эътиrozларни мустакил равишда ва ўз маблағлари хисобидан ҳал этилишини кафолатлайдилар.

#### **V. Молиявий шартлар ва хисоб-китоб шартлар**

5.1. Акцептант Ижрочига оммавий офертага асосан кўрсатиладиган хизматлар ҳакини Шартноманинг 1.1.-бандида кўрсатилган микдорда мазкур Шартномага асосан кўрсатиладиган хизматлар ташкиллаштирилиши муддатидан камида 5 кун олдин тўлаши лозим. Ижрочига акцептант томонидан оммавий офертага асосан хизматлар кўрсатилиши учун ҳақ тўланганлиги (акцепт)ни тасдиқловчи хужжат нусхаси тақдим этилиши лозим.

5.2. Оммавий офертани акцептлаш учун Шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган ҳаракатлари (тегишли суммани тўлаш ва ҳ.к.), агар қонун хужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган ёки кўрсатилмаган бўлса, акцепт хисобланади. Бунда акцепт қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда чакириб олиниши мумкин.

5.3. Шартномага асосан томонлар, ўз зиммаларига олган мажбуриятларни (оммавий офера бўйича хизматлар ҳақи тўланишини ва хизматлар тўлиқ кўрсатилишини) лозим даражада бажаришлари шарт.

#### **VI. Тижорат сирини саклаш**

6.1. Ижрочи ва акцептант мазкур Шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ, бир бирларига тақдим қилган тижорат сири бўлган маълумотларнинг сир сакланиши учун барча зарур чораларни кўрадилар.

#### **VII. Низоларни ҳал қилиш**

7.1. Мазкур Шартнома мажбуриятлари бўйича томонлар ўртасидаги низолар ҳамда бошқа баҳсли ҳолатлар юзага келган тақдирда томонлар уларни ўзаро музокора йўли билан ҳал этиш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

7.2. Низолар ва бошқа баҳсли ҳолатларни ўзаро музокора йўли билан ҳал этилишига эришилмаган тақдирда, улар ваколатли суд идоралари орқали амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳал этилади.

#### **VIII. Шартноманинг амал қилиши муддати**

8.1. Мазкур Шартнома Оферент томонидан йўланган таклифга акцептант жавоб қайтарган (акцепт билдирилган) вактдан бошлаб кучга киради ва мажбуриятлар бажарилган (хизматлар тўлиқ кўрсатилган) вактдан сўнг бекор қилинган деб хисобланади.

## **IX. Бошқа шартлар**

9.1. Томонлар ўзларининг мазкур Шартнома билан боғлик муносабатларга алоқадор турар жойи, манзиллари, ҳисоб-рақамлари билан боғлик кутилаётган ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида маълумотлар алмашиш учун алоқа ва/ёки манзил орқали бир-бирларини хабардор қиладилар.

9.2. Мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг тўлиқ ёки қисман бажарилмаганини учун томонларнинг ҳеч бири жавобгар бўлмайди, агарда мажбуриятларнинг бундай тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги сабаби бўлиб, сув тошқини, зилзила, бошқа табиий оғатлар, шунингдек уруш ёки исталган турдаги ҳарбий ҳаракатлар, террорчилик, ҳукумат томонидан чеклашлар ёки ушбу Шартнома тузилганидан кейин юзага келган - кўзда тутилмаган бошқа объектив ҳолатлар бўлса.

9.3. Бўлимларнинг номлари, тушуниш қулайлиги учун қабул қилинган ва юридик жиҳатдан асл маънога эга эмас.

9.4. Мазкур Шартнома билан тартибга солинмаган, аммо мазкур Шартнома предметига алоқадор шартлар ва муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва амалдаги бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

## **X. Ижроининг реквизитлари**

### **«Kibernetikada innovatsiyalar IT-parki» МЧЖ**

Почта манзили: Тошкент шахри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 31-уй  
IT-парк манзили: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 20-уй  
х/р: 2020 8000 8053 3865 4001 АТ «Алокабанк» Миробод филиали  
МФО: 00401, ИФУТ: 62090 СТИР: 308121587 Тел: +998(99)028 89 88

Директор  А.А. Хамзин

